

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРИМОВ ДИЛШОДБЕК ШАВКАТ ЎҒЛИ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДА САРИМСОҚ  
ПИЁЗ ЕТИШТИРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Шеримов Дилшодбек Шавкат ўғли**

Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудларида саримсоқ пиёз  
етиштиришнинг технологик элементларини ишлаб чиқиш..... 3

**Шеримов Дилшодбек Шавкат угли**

Разработка технологических элементов выращивания чеснока в южных  
регионах Каракалпакстана ..... 17

**Sherimov Dilshodbek Shavkat ugli**

Development of technological elements for growing garlic in the southern  
regions of Karakalpakstan..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 35

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРИМОВ ДИЛШОДБЕК ШАВКАТ ЎҒЛИ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДА САРИМСОҚ  
ПИЁЗ ЕТИШТИРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Qx1620 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юнусов Салоҳиддин Адхамович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Санаев Собир Тоирович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори профессор

**Мирзасолиев Мирзаосим Мирзасойпович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори

**Ётақчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 24 октябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260–48–00; факс: (+99871) 260–38–60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№554933рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260–50–43).

Диссертация автореферати 2025 йил 8 октябрь куни тарқатилди.  
(2025 йил 12 августдаги 35-рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Асатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**М.З. Холмуротов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

**А.А. Сафаров,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.х.ф.ф.д. доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда қимматли сабзавот экинларидан бири бўлган саримсоқпиёз бугунги кунда “дунё бўйича жами 1,664 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 17,0 т/га, ялпи маҳсулот эса 28,3 млн. тоннани ташкил этмоқда. Саримсоқ маҳсулотини ишлаб чиқариш хажми бўйича Хитой етакчи ўринни эгаллаган бўлиб, экин майдони 831,8 минг гектарни ва ялпи маҳсулот эса 20,5 млн. тоннани ташкил этган. Кейинги ўринда Хиндистон бўлиб, экин майдони 392,0 минг гектарни ва ялпи маҳсулот эса 3,1 млн. тоннани ташкил этган”<sup>1</sup>. Саримсоқ етиштиришда ялпи маҳсулоти юқори бўлган яна 3 та давлатлар, бу Бангладеш, Египет ва Испания давлатлари ҳисобланади. Ушбу давлатларда саримсоқпиёз озиқ-овқат ва тиббиётда долзарб аҳамиятга эга сабзавотлардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида саримсоқ пиёзнинг (*Allium sativum* L.) касалликларга ва ноқулай ташқи муҳит омилларига чидамли, серҳосил, эртапишар, витаминларга бой бўлган янги навларини яратиш, уларни етиштиришнинг ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ер юзида глобал иқлим ўзгариши шароитида дунёнинг сабзавот етиштирувчи мамлакатларида абиотик – биотик омилларнинг салбий таъсири натижасида сабзавот экинларидан олинадиган ҳосилнинг кескин камайиб кетиши кузатилмоқда. Бу ҳолат бошқа экинлар қатори саримсоқ экини ҳосилдорлигини оширишда ҳам иқлим ўзгаришига мос технологияларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда саримсоқпиёз етиштиришга катта эътибор берилиб, 2019 йилдан пайдо бўлган коронавирусуга қарши қисман иммунитет ҳосил қилиши ва инсон организмни химоялаши ушбу маҳсулот истеъмолининг ортишига олиб келди. Бугунги кунда саримсоқнинг янги навларини интродукция қилиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилган. Бироқ, Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудларида саримсоқ пиёз етиштиришнинг технологик элементларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 % га етказиш»<sup>2</sup> муҳим стратегик масалалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Айниқса республикаимизнинг шимолий қисми бўлган Қорақалпоғистон Республикасида саримсоқпиёзни серҳосил навларини танлаш, янги навларни муҳитга мослаштириш, уларни экиш муддатлари ва усуллари бўйича илмий-тадқиқот ишлари тўлиқ олиб борилмаган ҳамда саримсоқ етиштиришнинг айрим технологик элементларини ишлаб чиқиш ва илмий

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com/ru/strany-po-proizvodstvu-chesnoka>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

асослаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони, 2020 йил 15 октябрдаги ПҚ-4863 сон “Саримсоқ ҳамда тўқсонбости усулида сабзаёт маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 октябрдаги 587-сон «2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саримсоқ нав намуналари тўплами ва агротехнологияларини ўрганиш, селекция учун бошланғич манба яратиш ва уруғчилик технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Мексика, Канада, Болгария, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларда F. Delgadillo-Sanchez, A. Heredia-Zepeda, A. Khar, V. Devi Asha Mahajan, K.E. Lawande, Kambiz Baghalian, Mohammad Reza Naghavi, E. Martinez Gustavo, A. Казакова, А.Ф. Агафонов, Л.И. Герасимова, Ю.В. Абрахина, П.Ф. Кононков, И.О. Иофина, И.И. Ершов, С.К. Темирбекова, Т.Е. Айтбаев, В.К. Красавина, В.О. Алпысбаева, Г.М. Ибрагимова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Республикамиз марказий худудларида Ғ.Ғ. Ходжаев, Н.С. Бақурас томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бундан ташқари Сабзаёт, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий тажриба станциясида М.Х. Арамов, Б.С. Саломовлар саримсоқнинг янги намуналарини яратиш бўйича селекция ишлари олиб борганлар. Бироқ саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикаси жанубий худудларида серхосил навларини танлаш, мақбул экиш муддатлари, усуллари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Мевачилик, сабзаётчилик ва полизчилик” кафедрасининг №3-рақамли «Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида мевасабзаёт ва полиз маҳсулотларини етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини илмий асослаш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2020-2025 йиллари).

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистоннинг жанубий худудларида саримсоқ пиёзни истиқболли навларини танлаш, ўсишни бошқарувчи

моддаларни қўллаш, мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистонни жанубий ҳудудларида саримсоқпиёзни етиштиришга мос истиқболли навларни танлаш;

саримсоқпиёзни энг мақбул экиш муддатини аниқлаш;

саримсоқпиёзни энг мақбул экиш схемаси ва озикланиш майдонини белгилаш;

ўсишни бошқарувчи биогуттен ва гумат натрий моддаларини қўллаш меъёри ва усулларининг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида саримсоқпиёзни 8 та нав намуналари, пиёзчалари, ўсимликлари, барглари, поялари хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида саримсоқнинг 8 та навларидан истиқболли навларини комплекс баҳолаш, 2 та ўсишни бошқарувчи моддаларнинг меъёрлари, 4 та мақбул экиш муддатлари ва 5 та мақбул экиш схемалари хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда дала тажрибаларини ўтказишда фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, касалликларига чидамлилигини аниқлаш, ҳосил миқдори ва товарбоплик сифати бўйича кузатувлар олиб борилган, кузатув ва ҳисоблаш ишлари умум қабул қилинган талабларга мос равишда ўтказилган, тажрибалар 4 қайтариқли қилиб қўйилган, тадқиқот натижаларини статистик тахлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютар дастурларида дисперсион тахлил усули бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда эртапишар (3-4 кун), серҳосил (26,7-29,2 т/га) ва юқори иқтисодий самарадор (167,7 млн. – 192,4 млн. сўм соф фойда) маҳаллий К<sub>22-3</sub>, К<sub>22-4</sub>, Чидамли ва К<sub>22-2</sub> нав намуналари истиқболли деб топилган;

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида сентябр ойининг I-декадасида экиш мақсадга мувофиқлиги ва юқори сифатли ҳосил (24,1 т/га) олинганлиги исботланган;

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда уч қатор лентасимон усулда 40+15+15/3x10 см қилиб экиш энг юқори товарбоп (24,4 т/га) ҳосил берганлиги ҳамда мақбул экиш схемаси эканлиги аниқланган;

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда Биогуттен моддасини 80 мг/л эритмасига уруғлик саримсоқни ботириб экиш ва ўсув даврида баргидан 2 марта озиклантириш ҳосилдорликни (29,2 т/га) ва товарбоп ҳосил улушини (96,7 %) оширганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда эртапишар, серҳосил, касалликларга чидамли ва юқори иқтисодий самарадор нав намуналари ажратилган;

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришга мос маҳаллий К<sub>22-3</sub>, К<sub>22-4</sub>, Чидамли ва К<sub>22-2</sub> нав намуналари

ажратилган ва кенг миқёсда экишга тавсия этилган;

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида сентябр ойининг I-декадасида экиш юқори самара бериши аниқланган;

саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда уч қатор лентасимон усул 40+15+15/3x10 см, ўсимлик қалинлиги 429184 ўсим/га энг мақбул эканлиги исботланган;

ўсишни бошқарувчи моддалардан саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда биогуттен моддасини 80 мг/л эритмасига уруғлик саримсоқни ботириб экиш ва ўсув даврида баргидан 2 марта пуркаш усули тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳар йили дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботларнинг институт илмий кенгашида муҳокама қилинганлиги, тажриба натижалари маълумотлари математик ва статистик таҳлил қилинганлиги, истиқболли навлар ва уларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, диссертация ишининг асосий илмий натижалари асосида илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштириш учун серҳосил, эртапишар ва касалликка чидамли, истиқболли навлари ажратилганлиги, мақбул экиш схемаси ва усулининг самарадорлиги ҳамда ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштириш учун истиқболли нав намуналари тавсия этилган. Саримсоқ пиёзни сентябр ойининг I-декадасида экиш мақсадга мувофиқлиги, уни уч қатор лентасимон 40+15+15/3x10 см схемада экиш энг мақбул усул эканлиги, шу билан бирга саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришда биогуттен моддасини 80 мг/л эритмасига уруғлик саримсоқни ботириб экиш ва ўсув даврида баргидан 2 марта озиклантириш усули самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида етиштиришнинг технологик элементларини ишлаб чиқиш асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида саримсоқ пиёзнинг жами 8 та нав ва клонларининг истиқболли намуналарини танлаш, шунингдек, мақбул экиш муддатлари ва экиш усуллари Амударё тумани “Бабаназаров Фарход” фермер хўжалигида 1,5 гектар, “Полвонбой овули” фермер хўжалигида 1 гектар майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 23 майдаги №02/017-1681-сон маълумотномаси). Натижада, Майский ВИР, Южно-Фиолетовий,

Чидамли навлари ва К<sub>22-1</sub>, К<sub>22-2</sub>, К<sub>22-3</sub>, К<sub>22-4</sub>, К<sub>22-5</sub> клонларидан гектарига 30,7 – 42,4 млн. сўм даромад олишга эришилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани “ОКС Жайхун - Пахтакор” фермер хўжалигининг 1,5 га, “Камалов - Шамсиддин” фермер хўжалигининг 1 га очик майдонида саримсоқни Майский ВИР навини 4 та экиш муддати бўйича экиш ишланмаси жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 23 майдаги №02/017-1681-сон маълумотномаси). Натижада, сентябр ойининг I декадаси экилганда гектаридан ўртача 44,1-48,4 млн. сўм даромад олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Муаммони ўрганилганлик даражаси” (адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг диссертация мавзуси юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари ва илмий манбалари шарҳланган. Бунда саримсоқпиезни морфо-биологик хусусиятлари, нав танлаш, экиш муддатлари ва усуллари ҳамда саримсоқпиез етиштиришда ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услуби”** деб номланган иккинчи бобида мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда

тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг “Тадқиқот ўтказиш жойи ва иқлим шароити”, “Тадқиқотнинг объекти ва тажриба ўтказиш услуби” ва “Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудида саримсоқ пиёз етиштириш агротехнологияси” бўлимларида мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказиш услуби, дала тажрибалари тизими, тажрибалар юзасидан кузатувлар ва ўлчовлар олиб борилганлиги тавсифланган.

Диссертациянинг “**Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудида саримсоқ пиёз етиштиришнинг технологик элементларини ишлаб чиқиш**” деб номланган учинчи бобида саримсоқ етиштиришда нав намуналарини танлаш ҳамда истиқболли навларни ажратиш бўйича натижалари баён этилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудида саримсоқ пиёз етиштириш учун мос нав намуналарини танлаш” деб номланган бўлимида саримсоқпиёзни стандарт Майский ВИР навиға таққосланиб 7 нав намуналари нав синови (2022-2024 йй.) ўтказилган.

Тадқиқот натижасида саримсоқни комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган истиқболли нав намуналари ажратиб олинган. Бунда саримсоқни пиёзбошларининг ўртача вазни, умумий ҳосил, товарбop ҳосил ва товарбop ҳосилнинг умумий ҳосилдаги улуши ҳамда стандартга нисбати аниқланди. Пиёзбошларнинг ўртача вазни стандарт Майский ВИР навида 54 грамни ташкил этиб, Южно – Фиолетовый нави билан бир натижага эга бўлди. Чунки тажрибада энг кам муҳимлилик фарқи 5,2 грам бўлиб, 59 грам стандарт нав билан бир хил эканлигини кўрсатди. Қолган барча нав намуналари юқори кўрсаткичларга (60-70 г) эга бўлган.

**1-жадвал.**

**Саримсоқпиёз нав намуналарининг етиштиришда ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2022-2024 йй.).**

	Нав намуналар	Пиёзбошнинг ўртача		Товар-бop ҳосил, т/га	Товар-бop ҳосил улуши, %	Стандартга нисбатан, %
		сони, дона	вазни, г			
1	Майский ВИР-st	13	54	23,5	94,8	100
2	Южно – Фиолетовый	14	59	23,8	95,4	101
3	Чидамли	12	64	27,0	97,0	115
4	К <sub>22</sub> - 1	12	60	25,9	96,4	110
5	К <sub>22</sub> - 2	13	62	26,7	95,2	114
6	К <sub>22</sub> - 3	10	70	29,2	97,4	124
7	К <sub>22</sub> - 4	11	68	29,2	97,6	124
8	К <sub>22</sub> - 5	12	63	25,5	96,7	108
	ЭКМФ <sub>05</sub>		5,2	0,51		
	Sx, %		4,2	3,0		




1-расм. а) ўлчов ишларини олиб бориш жараёни

б) ҳосилни пишиб етилиши

в) ҳосил миқдори ва сифатини аниқлаш

Тажрибада нав намуналарнинг товарбоп ҳосили стандарт навга нисбатан энг юқори товарбоп ҳосил К<sub>22</sub>- 3 ва К<sub>22</sub>- 4 клонларида 29,2 т/га ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 97,4-97,6 фоизни ташкил этди. Тажрибада саримсоқни стандарт Майский ВИР навига нисбатан Чидамли, К<sub>22</sub>- 1, К<sub>22</sub>- 2, К<sub>22</sub>- 3 ва К<sub>22</sub>- 4 нав намуналари 10-24 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги ва ҳосил сифати яхши эканлиги аниқланди (1-жадвал, 1-расм).

Саримсоқпиёз нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичларидан товарбоп ҳосили шаклланиши ва товарбоп ҳосилнинг улиши орасида корреляцион боғлиқликни Доспехов (1979) услуби бўйича ҳисобланганда ушбу кўрсаткичлар орасида ўзаро ўрта даражада ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги кузатилиб, корреляция коэффиценти  $r=0,825$  ( $R^2=0,6773$ ) га тенглигини кўрсатди (2-расм).



2-расм. Саримсоқпиёз нав намуналарининг товарбоп ҳосили шаклланиши ва товарбоп ҳосилнинг улиши орасида корреляцион боғлиқлик (2022-2024 йй.).

Диссертациянинг “Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудида саримсоқ пиёз етиштиришда мақбул экиш муддати ва экиш схемасини аниқлаш” деб

номланган тўртинчи бобида саримсоқ ўсимлигини етиштиришда мақбул экиш муддати ва экиш схемаси ўрганилган. Ушбу бобони “Қорақалпоғистоннинг жанубий худудида саримсоқ пиёз етиштиришда мақбул экиш муддатини ўсимликнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларга таъсирини таҳлил қилиш” деб номланган бўлимида, саримсоқпиёз маҳсулдорлигига турли экиш муддатларининг таъсири ўрганилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Қорақалпоғистоннинг жанубий худудларида саримсоқни турли муддатларда экиб етиштиришда ўсимлик ер устки қисмининг ўсиши ва биометрик кўрсаткичлари (2022-2024 йй.).

№	Экиш муддатлари	Сохта поя баландлиги, см		Барглارнинг узунлиги, см		Бир туп поянинг ўртача вазни, г	
		IX-I	V-III	IX-I	V-III	IX-I	V-III
1	Август ойининг III-декадаси	12,0	61,6	10,5	48,8	41	220
2	Сентябр ойининг I-декадаси	14,5	67,2	12,0	50,6	43	237
3	Сентябр ойининг II-декадаси (назорат)	10,8	58,4	9,3	47,7	35	202
4	Сентябр ойининг III-декадаси	9,8	52,1	8,9	46,0	32	195

Тажрибада сентябр ойининг I-декадасида экилган вариант назоратга нисбатан (233 кунда) 6 кун эрта техник пишиб етилганлиги аниқланган. Шу билан бирга ўсимлик сохта поясининг баландлиги назорат вариантда 58,4 см ни ташкил этган бўлиб, энг юқори натижани сентябр ойининг I-декадасида экилган вариантда 67,2 см ни ташкил этган. Баргларни узунлиги бўйича ҳам вариантлараро 46,0-50,6 см ни ташкил этиб, энг юқори натижани сентябр ойининг I-декадасида экилган вариантда 50,6 см ни ташкил этган.

Тажрибада саримсоқпиёзни ўсимлиги бир туп поясининг ўртача вазни май ойининг учинчи декадасидага ўлчаб ҳисоблаб чиқилганда назорат сентябр ойининг II -декадасида экилган вариантда 202 грамни ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич сентябр ойининг I-декадасида экилган вариантда 237 грам эканлиги маълум бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида саримсоқ етиштиришда пиёзбошларни ўртача вазни, товарбоп ҳосил, унинг улуши ва назоратга нисбати аниқланди. Натижада саримсоқни сентябр ойининг I-декадасида экилганда пиёзбошларининг ўртача вазни энг юқори кўрсаткич 61 г ни ташкил этган. Тажрибада товарбоп ҳосил энг юқори натижани кўрсатган сентябр ойининг I-декадасида экилган вариантда бўлиб, у ўртача гектаридан 24,1 тоннани ташкил этган. Бу албатта назоратга нисбатан 14 фоизга юқори бўлганлиги, товарбоп ҳосил улуши эса 97,6 фоизни ташкил этганлигини


кўрсатди. Тажрибада саримсоқни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида сентябр ойининг I-декадасида экиш мақсадга мувофиқлиги ва юқори ҳосилдорликка эга бўлганлиги исботланган (3-жадвал, 3-расм).

### 3-жадвал

#### Қорақалпоғистоннинг жанубий худудларида саримсоқни турли муддатларда етиштиришда ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2022-2024 йй.).

№	Экиш муддатлари	Пиёзбош-ларни ўртача вазни, г	Товарбоп ҳосил улуши, %	Товарбоп ҳосил	
				т/га	назоратга нисбатан, %
1	Август ойининг III-декадаси	56	97,4	22,8	108
2	Сентябр ойининг I-декадаси	61	97,6	24,1	114
3	Сентябр ойининг II-декадаси (назорат)	47	96,0	21,1	100
4	Сентябр ойининг III-декадаси	38	95,0	19,9	94
	ЭКМФ <sub>05</sub>	6,2		0,52	
	S <sub>x</sub> , %	4,1		4,0	

Қорақалпоғистоннинг жанубий худудларида саримсоқни турли муддатларда етиштиришда пиёз бошларини вазни ва товарбоп ҳосил орасидаги корреляцион боғлиқликни Доспехов (1979) услуби бўйича ҳисобланганда ушбу кўрсаткичлар орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги кузатилиб, корреляция коэффиценти  $r=0,992$  ( $R^2=0,9832$ ) га тенглигини кўрсатди.



3-расм. Саримсоқни турли муддатларда етиштиришда пиёз бошларини вазни ва товарбоп ҳосил орасидаги корреляцион боғлиқлик (2022-2024 йй.).

Диссертациянинг “Қорақалпоғистоннинг жанубий худудида саримсоқ пиёз етиштиришда мақбул экиш схемасини ўсимликнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш” номли бўлимида саримсоқ пиёзбошларининг ўртача вазни товарбоп ҳосили, бир тупдан олинган ҳосил ва товарбоп ҳосил улуши аниқланди (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Қорақалпоғистоннинг жанубий худудларида саримсоқни турли экиш схемаларини ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири (2022-2024 йй.).**

№	Экиш схемаси, см	Ўсимлик сони, дона	Пиёзбош вазни, г	Товарбоп ҳосил улуши, %	Товарбоп ҳосил	
					т/га	назоратга нисбатан, %
1	70x8	178571	75	98,5	13,4	66
2	50+20/2x8	357142	56	97,2	17,6	87
3	40+15+15/3x8 (назорат)	534759	46	97,5	20,3	100
4	40+15+15/3x10	429184	53	97,6	24,2	119
5	40+10+10+10/4x10	571428	40	95,7	22,6	111
	ЭКМФ <sub>05</sub> , т/га		8,1		1,1	
	Sx, %		3,0		3,8	

Тажрибада саримсоқ пиёзбошлари вазни албатта ўсимлик озикланиш майдони билан боғлиқ равишда қанчалик ўсимликсони кам бўлиши пиёзбошларни йириклашишига сабаб бўлган. Товарбоп ҳосил вариантлар аро 13,4-24,2 т/га ни ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида етиштиришда турли экиш усуллари ичида серҳосил бўлган, яъни назоратга нисбатан юқори натижани кўрсатган бу уч қатор лентасимон 40+15+15/3x10 см усулда экилган вариант бўлди. Ушбу усулда етиштирилган саримсоқ 24,4 т/га (119 фоиз), яъни назоратга нисбатан 19 фоизга юқори натижани кўрсатган.

Диссертациянинг “Қорақалпоғистоннинг жанубий худудида саримсоқ пиёз ўсиб ривожланишига ўсишни бошқарувчи моддаларини қўллаш самарадорлигини илмий асослаш” деб номланган бешинчи бобида саримсоқ ўсимлигини етиштиришда ўсишни бошқарувчи моддаларини қўллаш самарадорлиги ўрганилган. Ушбу бобони “Қорақалпоғистоннинг жанубий худудида саримсоқ пиёз етиштиришда ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашни мақбул меъёрлари ва усуллари ўсимлик маҳсулдорлигига таъсирини илмий асослаш” деб номланган бўлимида саримсоқпиёз маҳсулдорлигини оширишда ўстирувчи моддаларнинг ижобий таъсири баён этилган (5-жадвал).

Тажрибада биогуттен ва гумат натрий каби препаратлар билан саримсоқ пиёзчаларига ишлов бериш, яъни ивитиб экиш ва ўсимликка ўсув даврида 2 марта озиклантириш ўрганилди ва назорат сифатида ўстирувчи модда қўлланилмаган уруғлик пиёзчалар экилди. Олиб борилган тажрибада

Ўрганилган вариантлар ичида биогуттен моддасини-80 мг/л эритмасига уруғлик саримсоқни ботириб экиш ва ўсув даврида баргидан 2 марта озиклантириш натижасида 29,2 т/га (123 фоиз) товарбоп ҳосил берган ва бу назоратга нисбатан 23 фоизга юқори бўлган ҳамда товарбоп ҳосил улуши эса 96,7 фоиз натижани кўрсатган.

**5-жадвал.**

**Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудларида саримсоқ ҳосилдорлигига турли ўстирувчи моддаларни таъсири (2022-2024 йй.).**

Вариантлар	Пиёзбошлар ни ўртача вази, г	Товарбоп ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосил улуши, %	Назоратга нисбатан, %
Ўстирувчи модда қўлланилмаган – назорат	55	23,7	97,1	100
Биогуттен -50 мг/л билан уруғлик ботириб экиш	58	24,2	96,8	102
Биогуттен -80 мг/л билан уруғлик ботириб экиш	60	24,8	96,9	105
Биогуттен -50 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 1 марта пуркаш	61	25,0	97,3	105
Биогуттен -50 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 2 марта пуркаш	64	26,9	96,8	113
Биогуттен -80 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 1 марта пуркаш	67	27,9	96,8	118
Биогуттен -80 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 2 марта пуркаш	68	29,2	96,7	123
Гумат натрий -50 мг/л билан уруғлик ботириб экиш	57	24,9	97,3	105
Гумат натрий -80 мг/л билан уруғлик ботириб экиш	59	25,6	97,0	108
Гумат натрий -50 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 1 марта пуркаш	60	26,7	99,2	113
Гумат натрий -50 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 2 марта пуркаш	62	27,4	97,5	116
Гумат натрий -80 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 1 марта пуркаш	60	26,9	97,5	113
Гумат натрий -80 мг/л билан уруғлик ботириб экиш ва баргидан 2 марта пуркаш	58	26,2	97,0	111
ЭКМФ <sub>05</sub>	3,2	0,9		
Sx,%	3,5	3,8		

**ХУЛОСАЛАР**

1. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида саримсоқ ҳосилни йиғиш фазаси аниқланганда стандарт Майский ВИР навида ҳосил 238 кунда йиғиб олинган. Стандартга нисбатан К<sub>22</sub>- 3 ва К<sub>22</sub>- 4 клонларида 234-235 кунни, яъни 3-4 кун эрта ҳосили йиғиб олинганлиги аниқланган.

2. Саримсоқни ўсув даври давомийлиги стандарт Майский ВИР навида 256 кунни ташкил этиб, унга нисбатан ўсув даври К<sub>22</sub>- 5 клонида (266 кун) 10 кун узокроқ бўлганлиги аниқланган.

3. Саримсоқ ўсимлигини етиштиришда, ўсимлик ер устки қисмининг ўсиб ривожланишида нав намуналари ичида К<sub>22</sub>- 3 ва К<sub>22</sub>- 4 клонлари кучли ўсувчи

эканлиги аниқланди.

4. Саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида етиштиришда эртапишар (3-4 кун), серҳосил (26,7-29,2 т/га) ва юқори иқтисодий самарадор (167,7 млн. – 192,4 млн.сўм соф фойда) махаллий К<sub>22</sub>- 3, К<sub>22</sub>- 4, Чидамли ва К<sub>22</sub> – 2 нав намуналари истикболли деб топилган.

5. Тажрибада назоратга нисбатан сентябр ойининг III-декадасида экилган вариант (241 кунда) 2 кун кечроқ пишган. Сентябрь ойининг I-декадасида экилган вариант эса назоратга нисбатан (233 кунда) 6 кун эрта техник пишиб етилганлиги аниқланган. Бу албатта Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида саримсоқпиёзни сентябр ойининг I-декадасида экилса эртароқ пишиб етилиши исботланган.

6. Олинган натижаларга кўра, саримсоқ ўсимлигини сентябр ойининг I-декадасида экилганда ўсимлик ер устки қисмининг ўсиб ривожланиши ҳам кучли бўлганлиги аниқланган.

7. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида саримсоқни сентябр ойининг I-декадасида экилганда товарбоп ҳосил 114 фоиз, яъни назоратга нисбатан 14 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган. Тажрибада саримсоқни сентябр ойининг I-декадасида экиш мақсадга мувофиқлиги ва юқори ҳосилдорликка эга бўлганлиги исботланган.

8. Саримсоқ ўсимлигини Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида етиштиришда 70x8 см қилиб қаторлаб экиш усулида экилганда ўсимлик ер устки қисмининг кучли ўсиб ривожланганлиги аниқланган. Бу албатта ўсимликни озикланиш майдони юқорилиги, ассимиляция юза катта бўлиши ўсимлик ер устки қисмининг ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этган.

9. Саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида етиштиришда уч қатор лентасимон усулда 40+15+15/3x10 см қилиб экиш 24,4 т/га ҳосил бериб, назоратга нисбатан 19 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги аниқланган.

10. Саримсоқ етиштиришда биогуттен моддасини -80 мг/л эритмасига уруғлик саримсоқни ботириб экиш ва ўсув даврида баргидан 2 марта озиклантириш натижасида 29,2 т/га (123 фоиз) товарбоп ҳосил берган ва бу назоратга нисбатан 23 фоизга юқори натижани кўрсатган.

11. Саримсоқ пиёзни Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий худудида етиштириш учун ишлаб чиқаришга қуйидагилар:

истикболли махаллий К<sub>22</sub>- 3, К<sub>22</sub>- 4, Чидамли ва К<sub>22</sub> – 2 нав намуналарини экишни;

саримсоқни сентябр ойининг I-декадасида экишни;

уч қатор лентасимон усулда 40+15+15/3x10 см қилиб экишни;

Биогуттен моддасини 80 мг/л эритмасига уруғлик саримсоқни ботириб экиш ва ўсув даврида баргидан 2 марта пуркаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ШЕРИМОВ ДИЛШОДБЕК ШАВКАТ УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ ВЫРАЩИВАНИЯ  
ЧЕСНОКА В ЮЖНЫХ РЕГИОНАХ КАРАКАЛПАКСТАНА**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ–2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2025.1.PhD/Qx1620.**

Диссертация выполнена в Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Юнусов Салохиддин Адхамович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Санаев Собир Тоирович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Мирзасолиев Мирзаосим Мирзасойпович**  
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

**Ведущая организация:**

**Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий**

Защита диссертации состоится 24 октябрь 2025 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+99871)260-48-00; факс: (+99871)260-38-60; e-mail:tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 554933). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 8 октябрь 2025 года.

(реестр протокола рассылки номер 35 от 12 августа 2025 года).

**Ш.И.Асатов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

**М.З.Холмуротов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н., доцент

**А.А. Сафаров,**

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.ф.с/х.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Чеснок, одна из самых ценных овощных культур в мире, “в настоящее время выращивается на общей площади 1,664 млн га во всем мире, средняя урожайность составляет 17,0 т/га, а валовый сбор – 28,3 млн тонн. Лидером по производству чеснока является Китай, площадь посевов составляет 831,8 тыс. га, а валовый сбор – 20,5 млн тонн. Далее следует Индия, площадь посевов которой составляет 392,0 тыс. га, а валовый сбор – 3,1 млн тонн”<sup>1</sup>. Три другие страны с высоким валовым сбором в производстве чеснока – Бангладеш, Египет и Испания. В этих странах чеснок является одним из важнейших овощей в пищевой и медицинской промышленности.

В настоящее время учеными ряда стран мира проводятся научные исследования по созданию, интродукции, внедрению в культуру новых сортов чеснока (*Allium sativum* L.), устойчивых к болезням и неблагоприятным факторам среды, высокоурожайных, скороспелых, богатых витаминами, а также разработке ресурсосберегающих технологий возделывания. В связи с негативным воздействием абиотических и биотических факторов в овощеводческих странах мира, в условиях глобального изменения климата, наблюдается резкое снижение урожайности овощных культур. Данная ситуация обуславливает необходимость проведения исследований по разработке технологий, адаптированных к изменению климата, для повышения урожайности чеснока и других сельскохозяйственных культур.

В последние годы в нашей стране уделяется большое внимание выращиванию чеснока, так как его способность создавать частичный иммунитет против появившегося в 2019 году коронавируса и защищать организм человека привела к увеличению потребления этого продукта. На сегодняшний день проводятся исследования по внедрению новых сортов чеснока и разработке технологии возделывания, и достигнуты определенные результаты. Однако исследований по разработке технологических элементов возделывания чеснока в южных регионах Каракалпакстана недостаточно. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы в качестве одного из важных стратегических вопросов конкретно обозначено «Увеличение доходов фермеров и дехкан не менее чем в 2 раза за счет интенсивного научного развития сельского хозяйства и достижения ежегодного прироста производства в сельском хозяйстве не менее чем на 5%»<sup>2</sup>. Особенно в северной части нашей республики, Республике Каракалпакстан, научные исследования по подбору высокоурожайных сортов чеснока и лука, адаптации новых сортов к окружающей среде, срокам и способам их посадки проведены не в полном объеме, а разработка и научное обоснование некоторых технологических элементов возделывания чеснока являются актуальными.

Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-5853 от 23 октября 2019

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com/ru/strany-po-proizvodstvu-chesnoka>

